Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимизда фаолият юритаётган барча судьялар билан тарихий учрашувларида, "Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик устувор бўлиши шарт", деган талабни кўйганлари бежиз эмас.

Дарҳақиқат, судьянинг биргина қонунларни мукамал билишининг ўзи етарли эмас. Гап судьянинг ўз ички туйғуси, маънавий дунёқарашидан келиб чиқиб, мавжуд қонунларни амалда қандай қўллашига ҳам боғлиқдир.

Жумладан, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ҳазратлари ҳам ўзларининг "Махбуб ул-қулуб" асаридида қозилар (судьялар) тўғрисидаги масалага батафсил тўхталганлар.

➤ Қози қонун йўлидан бир қадам ҳам тоймаслиги – тўғри йўлдан чиқмаслиги лозим. Ахир, тўғри чиқиқ оғдирилса, эгри бўлади. Чолғу асбобининг тори созланмаган бўлса, овози бузилади. Модомики, ҳукми элнинг моли ва жонига тааллуқли экан, қозининг шiori тўғрилиқ ва адолат бўлмоқи лозим.

Ҳазрат: "Қози мусулмонлик биносининг таянчидир ва мусулмонларнинг яхши ва ёмон ишлари юзасидан ҳукм чиқарувчидир. Қозининг кўнгли дин илми билан тўла, дунёвий билимлардан хотири хабардор бўлиши керак. Замирида шахсий манфаатга майл бўлмаслиги, соф кўнгли иккиюзламачилик иллатидан холи бўлиши лозим. Қозининг маҳкамаси шароит илмининг хазинаси бўлмоқи; у ҳукм вақтида ошнога ҳам, бегонага ҳам бир савияда қарамоқи лозим. Унинг билимдонлигидан ва қалби поклигидан кишилар кўнглида унга ҳурмат ва шукҳ; ишга диққат-эътибор ва фаросат билан муносабатда бўлишдан бедиёнат-виждонсизларнинг юрагида ғам-андуз; кўнгли ҳақ қаломлари билан кучли; ҳукмлари ҳадисларга асосланган. У шаръий ҳийлаларни ўз кўнглига, ҳуқуқшуносларнинг шубҳали алдовларини эса замирига йўлатмаслиги керак; порохўр муфтилар унинг қошида тубан ва хор; хийларга вақиллар унинг қаршисида айбдор бўлмоқи зарур..."

Қози қонун йўлидан бир қадам ҳам тоймаслиги – тўғри йўлдан чиқмаслиги лозим. Ахир, тўғри чиқиқ оғдирилса, эгри бўлади. Чолғу асбобининг тори созланмаган бўлса, овози бузилади. Модомики, ҳукми элнинг моли ва жонига тааллуқли экан, қозининг шiori тўғрилиқ ва адолат бўлмоқи лозим. Қозининг оёғи тўғрилиқ кўпригидан четга тояр экан, жони жаҳаннам тубида бўлади. Қозилик ишини қандай хоҳласам, шундай қиламан, дейиш ҳаёсизлик ва ёлғондир", – деб қайд этганлар.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларига мурожаатларида "Суднинг остонасидан қадам кўйган халқимиз давлатга дўст бўлиб чиқиши керак. Қабул қилинган суд қарорининг адолатли эканига ишонини керак. Адолат бўлмаган жойда унинг ўрнини жаҳолат эгаллайди," деб таъкидладилар.

Ҳақиқатдан ҳам, судьянинг иш бўйича қабул қилладиган қарори одамлар, инсон тақдири билан боғлиқ бўлиб, тўғри ва адолат нуктаи назаридан қабул қилинган қарор жамият тинчлиги, оқилолтига таъминлашга хизмат қилса, аксинча адолатдан зарра чеккинган ҳолда қабул қилинган қарор нафақат иши судда кўрилган тарафлар тақдирига, балки бутун жамият тақдирига салбий таъсир этади. Одамларнинг судга ва алал-оқибат мавжуд тузумга нисбатан ишонсизлиги ва норозилигини келтириб чиқариши ҳеч кимга сир эмас.

Мухтарам Юртбошимиз 2020 йил 30 июндаги учрашувида ҳам, "Судьянинг асосий вазифаси ва бурчи – оқни оққа, қорани қорига ажратиш, адолатни ҳимоя қилишдан иборат. Судья қонунга, ўз касбига ҳиёнат қилса, одамлар додини кимга айтади? Адолат излаб қаерга боради?" деган саволни жиддий ва қатъий қилиб қўйдилар.

Оқни оққа, қорани қорига ажратиш, адолатни қарор топтириш ваколати судьяларга

берилган бўлиб, бу ўта мураккаб, билим, тажриба ҳамда катта масъулият талаб этадиган касбдир.

Бинобарин, судья ҳам одам, фақат бошқалардан фарқли жиҳати олган билимини ва бор салоҳиятини қонунга асосида иш кўришга сафарбар қила билиши ва унга одамлар тақдирини ҳал қилишдек ўта масъулиятли ваколат берилганидадир. Ҳар қандай судьялик вазифасига тайинланган шахс — судья, ана шу берилган ваколат масъулиятини тўла англамоқи, унинг ҳар бир ҳаракати беғараз, қарори қонунга асосланган ва адолатли бўлиши шарт.

Устоз У.Мингбоев қайд этганларидек, "Судьялик касб, лавозимгина бўлиб қолмай, аввало, инсонийлик" эканлигини, "Судьялик – қонун ва адолатни қарор топтириш ваколати" эканлигини судьялар қалбдан ҳис этишлари лозим.

Шунингдек, устоз "Одил судловнинг мақсади — инсонлараралқидир" деб таъкидлашлари ҳам бежиз эмас.

Бу деган сўз, судья одил судловни амалга оширишда, қонунларни инсон манфаати юзасидан талқин этиши, яъни судья қабул қилладиган қарорлар энг аввало инсон манфаатларига хизмат қилиши лозимлигини билдиради.

Судьянинг фаолияти инсон тақдири билан боғлиқ экан, судья "ишни бугун бўлмас эртага кўрарман, мен хато қилсам, қорни босқич суди қамчилигини тўзатар, ишим кўп, хатоликларга сабаб бор, баҳоли қудрат вазифамни бажараяпман-ку", — деб фикр юритишга, қалтабин уйланишга сира ҳаққи йўқ. Бу ўта масъулиятсизликдан, бошқалар тақдирига лоқайдлик ва бефарқликдан далолат беради.

Судья ўзи кўрадиган ишга жиддий ёндошиши, ишни ҳар томонлама холис ўрганиши ва мушоҳада этиши, керак бўлса, ўзини ўша судланувчи, ўша жабрланувчи ёки даввогар ва жавобгар, ёинки ҳуқуқбузарлик содир этган ёки унинг жабрланувчисига айланган шахс ўрнига бот-бот қўйиб кўриши лозим бўлади. Шундангина йўл қўйиши мумкин бўлган ҳақиқат ва адолатсизликларнинг олди олинган бўлади.

Шунингдек, судья ўз билиминини, соғлом фикр ва ақлий салоҳиятини тинимсиз ошириб бориши, ўз устида мунтазам ўқиб-излашни, қонунларни мукамал билиш билан бир вақтда уни тўғри қўллаб билиш бўйича лозим даражадаги кўникма – тажрибага ҳам эга бўлиши талаб этилади.

Бундан ташқари, судьянинг ўзига юкланган вазифани, яъни одил судловни оғишай амалга ошириши унинг маънавий дунёқарашига ҳам боғлиқ бўлиб, шунга кўра судья, ўз маънавиятини бойитиш, яъни кунма-кун руҳан покланиши, қалбдан улғайиш ҳамда виждони ва иродасини тоблаш, иймон-эътиқодни бутлаш, бир сўз билан айтганда, қамқилишга эришиш борасида ҳам ўз устида доимий ишлаши талаб этилади. Ва, бунда фикримизча, умрининг, эгаллаб турган амалигининг ўткинчилигини унутмаган ҳолда ҳисоб бериб боришни аъмоли тамойилига айлантириши зарур.

Бобокалонимиз Абдурауф Фитрат "...Одамнинг қамоли фақат соғлиқ ва кучдан иборат бўлмай, балки жисмонан, ақдан ва ахлоқан юксалишдан иборат", — деганлар.

Ақдан ва ахлоқан юксалиш эса буюк аждодларимиз: Алишер Навоий, Аҳмад Ясавий, Фаридиддун Аттор, Жалолиддин Румий, Ҳаким Ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Юсуф Ҳамадоний, Абдуқолиқ Гўлжидувоний, Имом ал-Мотирудий, Ҳасан Басрий, Муҳаммад аз-Замашшарий, Боязид Бистомий ва қатор бошқа алломаларимизнинг ҳаёт йўли — ижоди орқали маънавий дунёқараши билан танишиб боришдан иборатдир. Бу шубҳасиз судьянинг маънавий юксалишида жуда катта ва муҳим омил бўлади.

Судья одил судловни амалга оширишда, ҳар бир ишни адолатли ҳал этишда ўзини вояга етказган ҳамда билим ва мартаба берган азиз ва мўстабар халқи олдидаги шахсан жавобгарлиги ва масъулиятини доимо ёдда тутиши шарт.

Жамиятимизда адолат қарор топиши кўп жиҳатдан судьяларнинг маънавияти ва масъулиятига боғлиқлигидан келиб чиққан ҳолда профессионал судьялар корпусини шакллантириш мақсадида, айни пайтда Судьялар Олий кенгаши томонидан "Судья маънавияти, одоби ва масъулиги" номили қўлланма тайёрланиши устида иш бошланганлигини маълум қилмоқчимиз. Қўлланманинг биринчи боби судья маънавиятига бағишланиб, унда судьялик фаолиятига боғлиқ, уларнинг маънавиятини шакллантиришга хизмат қилиши мумкин бўлган аждодлар мероси, масал, нақл ва ривоятлар; иккинчи бобида эса, судьянинг одоби-ахлоқи ва ваколатини амалга оширишдаги масъулияти билан боғлиқ масалалар ёритилиши назарда тутилмоқда.

Бу борада жамоатчилик вакиллари: олим-адиблар, диний уламолар, суд фахрийлари ҳамда судьялар ўз тақлиф ва тавсияларини, шунингдек, мавзуга доир мақолаларини Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги ишчи гуруҳга юборишлари мумкин бўлади. Ҳар бир тақлиф, тавсия ва мулоҳазалар албатта ўрганиб чиқилади ҳамда мақолаларнинг қўлланмага ўз муаллифи номидан киритилиши масаласи кўриб чиқилади.

Х.ЁДГОРОВ,
Судьялар Олий кенгаши раиси.

СИЗГА ТАЪЗИМ, СИЗГА ЭҲТИРОМ

Бухоронинг энг чекка тумани чекка бир қишлоғидаги бу ўқитувчини ҳамма ҳурмат қилади



Биринчи муаллим, Биринчи устозим, деганда юраги бир қалқиб тушмаган инсон бормикан? Жажкигина қалб юрагида илк бор Ватан суратини чизгувчи, маърифат чўғини ёндиргувчи зот ҳақида сўз борганда, қалбларда уйғонган эҳтиром ва миннатдорлик туйғуларини сўз билан ифодалашга тил ожиз. Қарангки, бола тафаккур олами, қалб дунёсига тушадиган олтин қалитлар сирини фақатгина улар билади.

Ҳоҳида уйлаб қоламан, дунёда ўқитувчининг тун бўйи бедор дафтар текшириб ўтказган амалига тенг келадиган савоб бормикан? Шарқираб оқаётган уйинқароқ жилга, ҳали тизгин нималигини билмаган беқарор шамол каби

бола шўхликларини қандай тартибга соларкин улар, қандай куч болани ўзига қаратаркин, гўзал итоатга ўргатаркин? Фақат меҳр ва меҳр билан, албатта.

Ана шундай меҳр ва муҳаббатга қалби лиммолим тўлган инсонлар боши ҳамиша сарбалад. Бухоронинг энг чекка тумани ҳисобланган Ромитаннинг Қизилравот кўрғонига 39-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Серикбаева Гулсара ҳақида сўз бошлашимиз ҳамон жамоадошлари, кишлоқ аҳли мактабнинг энг фидойи бошланғич синф ўқитувчиси билан бири, дея эътироф этишди. Байрам арафасида опа билан суҳбатлашдик.

— Таълим соҳасида 27 йилдан буён фаолият юритиб келяпман, — дейди у гурур билан. — Бу касбни танлаганимдан бахтлиман. Чунки жамиятнинг бугуни ва келажиги, унинг маданий-маърифий ва маънавий салоҳияти таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Бошқача айтганда, мамлакатимизнинг эртанги тақдири кўп жиҳатдан бизнинг меҳнатимизга боғлиқ. Зеро, янги ҳаёт ҳам, келажак ҳам, истиқбол йўли ҳам ўқитувчилар қалбидан бошланади.

Шахло БАҚОЕВА,
журналист.

Пандемия, энг аввало, одамларни интизомга, гигиенага, овқатланишга ва энг асосийси соғлиғига эътибор беришга ўргатди.

ОГОҶ БЎЛИНГ!

Коронавирус:

КАРАНТИН ТАЛАБЛАРИ ЮМШАТИЛГАНИ ХАВФ ОРТДА ҚОЛГАНИНИ АНГЛАТМАЙДИ



Бугун кўчаларда ҳаёт яна қайта жонлангандек. Жамоат транспортлари қатнови тикланган, бозор, йирик савдо марказлари ҳам фаолиятини бошлаган. Бир қарашда барчаси изига тушиб, кўринмас ёв чекингандек. Бироқ хавф ортда қолгани йўқ. Янги касалланиш ҳолатлари кузатилаётганда. Аиниқса, ҳақалик ёндош касалликлари бор шахсларда оғир кечаётгани кишини ташвишга солади. Бугунги саҳифамиз меҳмони Тошкент тиббиёт академияси кафедра мудири, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ревматология бўйича бош маслаҳатчи т.ф.д. Ҳилола МИРАҲМЕДОВА билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Бугун юрак-қон томир, қандли диабет касаллиги бор фуқароларимизни касаллик оғир кечишида хавф гуруҳига қўшамиз. Шу қаторда ревматологик касалликларни ҳам мазкур гуруҳга киритиб қўлади? Мутахассислигингиздан келиб чиқиб, шу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларингизни, тавсияларингизни билдирсангиз.

— Аввало, айтиш керакки, карантин талаблари юмшатилганини баҳона қилиб, кўча-кўйга иши бўлса-бўлмаса чиқариш ярамайди. Ҳар биримиз ўзимизнинг, сўнгра яқинларимизнинг соғлиғи ўз қўлимизда эканини унутмаслигимиз керак.

Саволга келадиган бўлсак, қандли диабет, юрак-қон томир, метаболлик касалликлар корона вирус инфекциясининг оғир кечишида хавф гуруҳи ҳисобланади. Хусусан, ревматологик хасталиклар ҳам. Уларнинг 150 га яқин тури мавжуд. Масалан, ревматоид артрит, остеоартрит, тизимли қизил бўрича, тизимли васкулитлар, псориастик артрит, подагра мана шулар жумласидандир. Бу касалликлар билан оғирган инсонларда иммун тизимида бузилиш кузатилади. Устига-устак, бундай беморлар иммунитетни туширувчи дори-

ларни истеъмол қилиб юришади. Ўз навбатида, иммун тизими заиф инсонда вирусга қарши курашиш фаол бўлмайди.

COVID-19 — янги вирус. У энди ўрганилмақда. Келажакда вирус кечиши, давоси бўйича кўп-лаб илмий ишлар қилинади. COVID-19 ва иммун яллиғланиш билан кечувчи ревматологик касалликлар клиникасида дориларнинг таъсири билан бир-бирига ўхшаш жиҳатлари бор. COVID-19да бошланғич давларида вирус ҳисобидаги клиника кузатилади. Организмда вирусга нисбатан антитаначалар, яллиғланишга қарши цитокинлар ишлаб чиқарила бошлайди. Ундан сўнг эса иммун яллиғланиш жараёнига ўхшаш клиника кўзга кўринади. Иммун яллиғланиш билан кечувчи бир қанча ревматологик касалликларнинг аксарият турларида ҳам буни кўриш мумкин. Масалан, COVID-19 билан касалланган беморларнинг 80-90 фоизи юқори иситма, бўғим ва мушакларда оғриқ, ҳолсизликни ҳис этишади. Худди шундай аутоиммун ревматологик касалликларда ҳам сабабсиз иситма, бўғим ва мушакларда оғриқ, иштаҳасизлик, ҳолсизлик, тез чарчаш ҳолатлари бўлади. Шундай вазиятда қиёслаб ташхислаш қийин кечади. Упка ренгенографияси ва компьютер томографиядаги пневмонит, васкулит белгилари аутоиммун ревматик касалликлар ва COVID-19 касаллигига ўхшаш бўлиб, ҳатто лаборатор текширувларда С-реактив оқсил, ИЛ-6 юқори бўлиши, умумий қон таҳлилида кузатиладиган ўзгаришлар ҳам жуда ўхшаш.

Шунингдек, аутоиммун касалликларнинг сабаби номаълум. Уларга патогенетик даво қўлланяди. Ревматологияда ишлатиладиган дориларни бугунга келиб COVID-19да ишлатишга уринишмоқда.

— Мана шундай ёндош касалликларга эга вирусга чалинган шахсларга нима дея оласиз?

— Ревматологик касалликлар узоқ даволанади ва динамик кузатишга муҳтож касалликлар сирасига киради. Хавфли, деб атаётган вирусимизда қандай профилактика чоралари кўрилиши лозим бўлса, COVID-19 билан касалланган ревматологик беморларимизда ҳам худди шу жараён амалга оширилиши шарт. Масалан, маъсофани сақлаш, гигиенага риоя қилиш, никобини тақийш, одамлар кўп жойда бўлмаслик каби. Бўғимлар ҳаракатини яхшиловчи машқлар қилишга эътибор бериш, семизликнинг олдини олиш тавсия этилади. Ҳўл мевалар, сабзавотлар, сутли маҳсулотларни истеъмол қилиш яхши самара беради. Шунингдек, ревматологик касалликларда доимий ичиб келаётган дориларни тўхтатиб қўйиш керак эмас. Жорий йилнинг июль ойида Америка ревматологлар коллегияси томонидан пандемия вақтида ревматологик касалликларни олиб бориш юзасидан кўрсатма ишлаб чиқилди. Унда COVID-19 инфекциясини юқирган ревма-



тологик беморлар дори воситаларини тўхтатмасликларни кераклиги айтилган. Агар бемор гидроксихлорохин дори воситасини истеъмол қилаётган бўлса, уни давом эттириши кераклиги билдирилди. Тўғри, айрим иммунитетни туширувчи иммунодепрессант дори воситаларини вақтинча тўхтатиб туриш талаб қилинади. Буни шифокор билан маслаҳатлашган ҳолда амалга ошириш шарт.

— COVID-19да ревматологик препаратлардан фойдаланилтиптими?

— Бугун кўзга кўринмас ёвни бартараф этиш учун бутун дунё олимлари изланиш олиб бораётганини яхши биламиз. Аутоиммун касалликларда плаквенит, яъни гидроксихлорохин дори воситаларидан фойдаланилади. Мазкур препарат ҳин дарахтининг пўстлоғидан олинган моддадан тайёрланади ва у 70 йилдан бунён амалиётда қўллаб келинмоқда. Дастлаб, у безгакни, кейин ревматологик касалликларни ҳам даволашда ишлатилиб келиняпти. Уни яллиғланишга қарши, антибактериал, иммуномодулятор, антиагрегант хусусиятлари бор. Тромбацитлар жипслашишнинг олдини олади. Холестеринларни, қанд миқдорини камайтиради. Шу билан бирга вирус кўпайишининг олдини олишда яхши самара беради. Шу сабабли COVID-19 касаллигининг профилактикаси ва енгил кечишида плаквенит дори воситасининг самараси исботланмоқда. Биласизми, безгак тарқалган ҳудудга бормоқчи бўлган шахс икки ҳафта олдин ва боргандан кейин ҳам 4-8 ҳафта мобайнида мазкур препаратни ҳафтада бир марта ичган.

— Пандемия деярли барча соҳага ўз таъсирини ўтказди. Ривожланиш, илмий тадқиқотларнинг юқори чўққига чиққанига қарамай, COVID-19 олдида ожиз қолдик. Мана шундай вазиятдан сўнг тиббиёт соҳасида қандай ўзгаришлар бўлади, деб ўйлайсиз?

— Пандемия, энг аввало, одамларни интизомга, гигиенага, овқатланишга ва энг асосийси соғлиғига эътибор беришга ўргатди. Вирус тарқалиши оқибатида турли ихтисосликка эга шифокорлар бирлашиб, маслаҳатлашиб ишлашга мажбур бўлишди. Қисқаси, барча шифокорлар ҳамкўхатлик, биргаликда ҳаракат қилиб ишлашмоқда. Ўз зиммаларига юкланган вазифаларни бажариш йўлида фидойилик кўрсатишмоқда. Шунингдек, тиббиёт ходимларининг малака оширишига эътиборни қучайтириш, ўз юртимизда туриб нуфузли халқаро конференцияларда он-лайн орқали иштирок этиш тажрибаси тўпланди. Тиббиёт соҳасининг бир қанча йўналишларини ривожлантиришга, сифатли тиббий ёрдам, тиббий жиҳозлар таъминотини қучайтиришда ўзгаришлар бўлди. Соғлиқни сақлаш тизимида янги клиникалар, мобил гуруҳлар тузилди. Call-марказлари, саралаш пунктлари фаолияти йўлга қўйилди. Ўйлаيمانки, ҳаммаси ортда қолади, фақат бугунимиздан тўғри хулоса чиқариб олмоғимиз зарур.

Сарваржон РАҲИМОВ суҳбатлашди.



ИИВ ХАБАРЛАРИ

ОШПАЗЛИКНИ ТАКЛИФ ҚИЛИБ...



ИИВ ТЭҚҚББ Одам савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш бошқармаси ҳамда Интерполнинг Миллий марказий бюроси ҳамкорлидаги ҳаракатлари натижасида бир жиноят фош этилди. Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида 1984 йилда туғилган аёл А.Н. БААнинг Алайн шаҳрида юрган вақтида таниши 1991 йилда туғилган самарқандлик Г.М.га Алайн шаҳрида ошпаз ёрдамчиси бўлиб ишлашни таклиф қилади. Унга Ўзи Қозғистон Республикасининг Олма-ота шаҳридаги халқаро аэропорти орқали "Олма-Ота — Дубай" йўналишига чипта харид қилиб, Г.М.ни Дубай шаҳрида кутиб олади. Йул харажатларига 2000 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни сарфлаганлигини билдириб, Г.М.нинг фуқаролик паспортини олиб қўяди. Ваъда қилинган ошпазлик иши ўрнига Алайн шаҳридаги ижарага олинган уйда Г.М.ни фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилади.

Самарқанд вилояти ИИВ Транспортда ЖХТ бўлими ҳузуридаги ТБ томонидан 2017 йилнинг 18 май куни Н.А.га нисбатан ЖҚнинг 135-моддаси 2-қисмига асосан жиноят иши қўзғатилиб, ҳудудийлик бўйича Сурхондарё вилояти ИИБга юборилди ва Шўрчи туман ИИВ томонидан аёл қидирувга берилди.

Олиб борилган текзор тадбирлар натижасида Н.А. шу йилнинг 25 сентябрь куни БААдан "Дубай — Тошкент" йўналишида авиарейси орқали олиб келиниб, тегишли ички ишлар идорасига топширилди.

ПЛАСТИК КАРТАДАГИ ПУЛЛАР ЕЧИБ ОЛИНДИ



Қува туманида яшовчи фуқаро И.Э. туман ИИВ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, ўзига тегишли банк пластик картаси ҳисобидан 2.135.625 сўм миқдоридagi пуллар ечиб олинганлигини маълум қилди.

Мазкур ҳолат юзасидан олиб борилган терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида фуқаро Н.Ю. ўзининг телефон рақамига И.Э.нинг пластик карта рақамларини киритишга муваффақ бўлиб, И.Э.га тегишли банк пластик картаси ҳисобидан бўлган 2.135.625 сўм миқдоридagi пулларни ечиб олгани аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Қува тумани ИИВ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми "б" банди (ўғирлик) билан қўзғатилган.

Ҳозирда дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

3 КУНДА 1000 ДАН Ортиқ ПИЁДА ҚОИДА БУЗГАН



Тошкент вилоят ҳудудида «Диққат пиёда!» профилактик тадбири ўтказилди. 1 260 нафар қоидабузар пиёдага нисбатан чора кўрилди.


Йул транспорт ходисалари комплекс таҳлил қилинганида, вилоят ҳудудида жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида 425 та ИТХ содир бўлгани аниқланди, уларнинг 38 фоизи пиёдалар иштирокида бўлган. Ачинарлиси, 29 та ИТХда пиёдалар маст ҳолатда йўлни кесиб ўтган.

Пиёдаларнинг амалдаги йўл ҳаракати қоидаларига амал қилган ҳолда сериканов йўллар ва чорраҳаларда белгиланган жойлардан юришларини назорат қилиш ҳамда бу орқали содир этилиши мумкин бўлган ИТХларнинг олдини олиш мақсадида «Диққат пиёда!» профилактик тадбири уч кун давомида ўтказилиб, инспекторлар томонидан қўшимча тушунтириш ва тарбият ишлари олиб борилади, қоида бузган 1 260 нафар фуқарога нисбатан ИЖТҚнинг 138-моддасига қўра, маъмурий баённомалар расмийлаштирилган.

Нилуфар ТўРАХОНОВА, ИИВ Аxbорот хизмати ходими, лейтенант.

Ренессанс даврининг янги овозаси

Инсоният тарихининг маълум бир даврларида ижтимоий, маданий, илмий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан уйғониш — ўзига хос тараққиёт ва ривожланишлар бўлиб турган. Мусулмон оламининг бундай уйғониш даврлари "Мусулмон ренессанси" деб аталади. Ислон тарихининг илк олтин даври VIII-XIII асрларда бутун мусулмон оламини қамраб олган эди. Кейинги уйғониш даври XV аср теурийлар даврига тўғри келади. Президентимизнинг юртимиздаги учинчи ренессанс даврига пойдевор қўйилганлигини таъкидлаганида ҳаммамиз ҳушёр тортидик, ҳаяжонландик. Зиммамиздаги катта маъсулиятни ҳам ҳис этдик. Мазкур жараён тезлашиши, ҳақиқатга айланиши учун ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз талаб этилади. Ренессанс маълум бир соҳага хос бўлмасдан, балки ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Шу маънода, барча Уйғонишлар даврида бўлгани каби диний илмлар ривожини ва тараққиётини ҳам кузатилиши шак-шубҳасиз.



Юртимиз уламолари азал-азалдан бутун дунёга илмининг кўп йўналишлари бўйича устоз бўлиб келишган. Дунёга машҳур олимларимиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Фаробий ҳамда Бурхониддин Марғилоний ва бошқаларнинг асарлари бутун дунё халқлари томонидан ўқиб, ўрганилган.

Теурийлар даврининг энг машҳур қорилари, бугунгача қироят ва таъжид илмидан асосий ўқув кўланмалардан бўлиши "Жазарий" асарининг муаллифи Шамсиддин ал-Жазарий Самарқандда, Мовароуннахр шаҳарларида илмий фаолият олиб борган. Теурийлар даврининг энг машҳур мусикашуноси Абдулқодир ал-Мароғий эса нафақат мусика илмининг буюк ҳофиси, балки Қуръон қаримнинг етти қироятини мукамал билладиган ҳофиси Каломуллоҳи ҳисобланарди. Демак, мусулмон олами ренессансларини Қуръон илмлари ривожисиз тасаввур қилиб бўлмаган.

Президентимиз юртимиздаги Учинчи ренессанс бўлишини баъорат қилганларида ҳам дунёвий илм-фан билан бир қаторда диний-исломий

илмларнинг ривожини назарда тутган. Давлатимиз раҳбарининг "Қуръонни эшитиш, эшита олиш юксак маънавият, маърифат. Қуръон ҳеч қачон ёмонликка даъват қилмайди. Агар Қуръонни қаримни эшита олсак, эшиттира олсак, бу муваффақият бўлади", деган сўзлари натижасида, бугун халқнинг Қуръон ва уни ўрганишга бўлган рағбати аввалгига нисбатан бир неча баробар зиёда бўлди. Юртимизда Қуръонни қарим мусобақалари кенг қўламда ўтказилди. Халқимизнинг Қуръонни тўғри ўқиш ва ўрганишга бўлган эҳтиёжи аввалгига нисбатан ошди. Бу эса ўқувчи уни беҳато ўқишида асос бўлиб, қоидага мувофиқ тарзда ўқишини таъминлайдиган мукамал таъжид асарларига бўлган эҳтиёж аввалгига нисбатан бир неча баробар кўпайганини кўрсатади. Бугунги кунимизда ёзилиб, халқимизга тақдим қилинган таъжид илмига оид асарлар кўп бўлса-да, бундан бир-икки асарлар олдин яшаб ижод қилган аждодларимиз бу илмни ўрганиш ва ўргатишда қандай услубдан фойдалангани ва таъжидга оид асарларни яратишда кўпроқ қайси жиҳатларига эътибор қаратганларини таҳлил қи-

лиш, улар яратган асарларнинг услубдаги афзал жиҳатларидан бугунги кунимизда ҳам фойдаланиш долзарблигига қолаверди.

Илк ислон даврида Қуръонни таъжид қоидаларига мувофиқ ўқиш бўйича алоҳида услублар ишлаб чиқилган. Кейинги даврларда ушбу илм янада ривожлантирилди. XIX аср охири XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида таъжидга оид асарларни яратишда муаллифлар эътибор қаратган жиҳатларни таҳлил қилиш, услубларининг афзалликларидан фойдаланиш ҳамон долзарблигини йўқотмаган. XIX аср охири XX аср бошларида ўлкада яшаб ижод қилган қориларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, уларнинг таъжид ва Қуръон қироятига оид асарларини тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади. Айрим мутахассисларнинг фикрича, мазкур давр юртимизда Миллий уйғониш — жадиҳчилик даври ҳисобланади. Ушбу давр тарихини мукамал ўрганиш ва тадқиқ қилишни четлаб ўтиб, биз Президентимиз айтган учинчи Уйғониш даврини тасаввур қила олмаймиз. Зотан, буюк адимизни айтганларидек, мозийга қайтиб иш

кўрмоқ хайрдидир. Ўзбекистонда яшаб, илмининг турли соҳаларида ижод қилиб, бутун дунёга машҳур бўлган олимлар қаторида Қуръон қирояти ва таъжид илми ривожига ўз ҳиссасини қўшган ва қўшаётган кўплаб устоз қорилар ҳам бор. Таъжир ва тарихий манбаларда улар тўғрисида маълумотлар учрайди. Илмий изланишлар натижасида таъжирларда 35 нафар Қуръон қориси ва мутахассиси ҳақида маълумотлар мавжудлиги аниқланди.

Умуман олганда, Президентимизнинг бирламчи манбалар, эски тарихий битиклар, қўлёзма ва тошбосма китобларни ўқиб-ўрганиш ҳақидаги фармонлари ижроси йўлида ҳали кўплаб дунёга татигулик, оламшумул тадқиқотлар ва монографиялар яратилиши шубҳасиз.

Абдуманнон ИСМАТУЛЛАЕВ, Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ислоншунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO кафедраси таянч докторанти.

Нега тергов ва судда унинг айбсизлигини исботлайдиган оддий саволларга жавоб изланмади?

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

12 йилдан сўнг аниқланган

ҲАҚИҚАТ

Тахририятимизга ташриф буюрган Баҳодир Раҳимбоев гапни эшитиб, инсон зоти борки ўзини ҳеч қачон айбдор, деб ҳисобламайди, деган фикр хаёлимдан ўтди.

Гап шундаки, «Олмалиқшаробсавдо» шўъба корхонаси раҳбари бўлган Баҳодир Раҳимбоевга жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2008 йил 24 сентябрдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми «а» банди ҳамда 209-моддаси 2-қисми «а» банди билан 9 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

У қандай жиноятни содир этган эди?

— 2004 йил октябрь ойида «Олмалиқшаробсавдо» раҳбари сифатида иш бошладим. — дейди Баҳодир Раҳимбоев. — Уша йилнинг 26 октябрда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Олмалиқ бўлимидан шартномага асосан 80 миллион сўм кредит олди. Орадан кўп ўтмай, яъни 8 ноябрда банк ўзининг ички қарори билан 78 миллион сўмни қайтариб олди. «Нега пулни олдингизлар, ахир кредит бир йил муддатга берилган эди-ку», деган саволимизга банкдагиларнинг жавоби шундай бўлди:

— Аввалги кредитларингизни «ёпиш» учун қайтариб олди...

— Банк ходимларининг гапни эшитиб хайрон қолдим, — дея гапда давом этди Баҳодир Раҳимбоев. — Шундан сўнг аудиторларни жалб этган ҳолда корхона фаолиятини текширттирдик. Аудиторлар «Олмалиқшаробсавдо»нинг 2002 йилдан 2004 йил октябрга қадар бўлган фаолиятини текширишда, аввалги раҳбарлар А.Нурматов ҳамда Ж.Қаҳрамоновнинг қатор хато ва камчиликларини аниқлашди.

Табиики, аудиторлик текширув хулосаларини олиб, «Ўзмөвасабзавот» ҳолдинга бордим. Ҳолдинг масъул ходимларига «Олмалиқшаробсавдо»да ҳаммаси яхши дегандишлар. Аудиторлар эса ноқонуний ишлар борлигини аниқлашди. Мени чапиганга экансизлар» дедим.

Қисқаси, ҳолдиндагилар аудиторлар хулосасини олиб, Олмалиқ шаҳар прокуратурасига беришди. Прокуратура қайта текшириш ўтказиб, А.Нурматовга нисбатан жиноят иши

қўзғатди ва у судланди...

Шу орада ТИФ Миллий банк Олмалиқ филиали раҳбари ўзгаради. Янги раҳбар «Олмалиқшаробсавдо»дан кредитни қачон қайтарасиз, деган савол билан мурожаат қилади. Баҳодир Раҳимбоев унга «Берилган 80 миллион сўм кредитдан ўзларингиз 10 кун ичида ички қарор билан 78 миллион сўмни ҳисоб рақамимиздан «ёчиб» олгансизлар-ку, ахир», дейди.

Банк 78 миллион сўмни қайтариб олганига қарамай, Баҳодир Раҳимбоев корхона ҳисоб рақамини ёпиб қўймасликларини учун ойлик фоизларини бир ярим йил мобайнида тўлаб борган. Сўраб-суриштирилганида маълум бўлдики, «Олмалиқшаробсавдо»нинг аввалги раҳбарлари — А.Нурматов 2003 йил 30 октябрда 45.400.000 сўм, Ж.Қаҳрамонов эса 2004 йил июнь ойида 20.000.000 сўм банкдан кредит олган. Бироқ кредитни қайтариш уларнинг «эсидан чиққан. Уларнинг бу ишдан хабарсиз бўлган Баҳодир Раҳимбоев эса жамоа молиявий фаолиятини яхшилаш, бир сўз билан айтганда, ишни юргизиш учун банкдан 80.000.000 сўм кредит олган. Ана шу маблағнинг 78 миллион сўмини банк ўн кун ичида ички қарори билан қайтариб олганлиги факт-ку!

Баҳодир Раҳимбоев 2006 йил июнь ойида ишдан бўшайди. Аммо банкдагилар ўша ўзлари ўн кун ичида қайтариб олган 80 миллион сўм кредит масаласини «кун тартибига» қўяди. Дастлаб хўжалик судига, сўнгра прокуратурага мурожаат қилишади. Банк хатига асосан 2007 йилда Баҳодир Раҳимбоевга нисбатан Олмалиқ шаҳар прокуратураси «иш» очган. Бу гаплардан Баҳодир Раҳимбоев хабарсиз бўлган. У ўзига нисбатан жиноий иш қўзғатилганлигини 2008 йил март ойида тасодифан билиб қолган.

Хуллас, Баҳодир Раҳимбоев мансаб мавқеини суистемасол қилиб, олинган кредитни қайтармасдан ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилганликда ҳамда мансаб сохтакорлиги жиноятини содир этганликда айбланган.

Энди ўйлаб кўрайлик. Биринчидан, корхонанинг олдинги раҳбарлари олган кредит тақдирини учун банк нега ўз вақтида ташвишланмаган? Уша маблағ нималарга ишлатилганлиги тергов томонидан нега ўрганилмаган? Корхонанинг қаддини кўтариш мақсадида Баҳодир Раҳимбоев ташаббуси билан олинган кредитни банк қайтариб олишга ҳаққи бормиди?



Унда нега у 9 йил озодликдан маҳрум этилди? Умрининг қарийб икки йилини қамоқда ўтказди? Бу саволларга ким жавоб беради?

Банк пулни қайтариб олган, нега йўқ пулга фоиз сўрапти ёки пул қайтарилишини талаб қилмапти? Қолаверса, ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилинадиган мулк айбдорнинг қўлида бўлиши керак. Ахир, 26 октябрда олинган 80 миллион сўмдан 78 миллион сўмини банк 10 кун ичида, яъни 8 ноябрда «ёчиб» олган бўлса, қандай қилиб Баҳодир Раҳимбоев ўзлаштирган? Нега тергов ва судда бу оддий саволларга жавоб изланмади? Энг катта хато, яъни «ёмаган сомса»га пул тўлаган Баҳодир Раҳимбоевга қўйилган айбловнинг илдизини айман банкдан қидириш керак, эмасми? Негаки, банкнинг мансабдор шахслари мижоз — Ол-

малиқшаробсавдо»нинг рухсатсиз унинг ҳисоб рақамидagi маблағлар ҳисобидан аввалги раҳбарлар — А.Нурматов ва Ж.Қаҳрамонов олган кредитни ёпишган.

Тергов ва суд жараёнида банкнинг бу «операция»сига муносабат билдирилмади. Банкнинг ўз ички қарори билан қайтариб олган пулни қандай қилиб Баҳодир Раҳимбоев талон-тарож қилгани ақлга сизгадими?

Яна бир гап. Гўёки, Баҳодир Раҳимбоев А.Нурматов ва Ж.Қаҳрамонов олган 85 миллион сўмни яшириб, банкдан 80 миллион сўм кредит олишга эришганмиш. Бу мантиққа тўғри келади-ми? Банк мижозга кредит бераётганда олдин кредит олган-олмаганини текширади-ку. Аччиқ яна бир савол: кредитни кредит билан ёпиш мумкинми? Нега Баҳодир Раҳимбоев «Олмалиқшаробсавдо»нинг аввалги раҳбарлари қилмиши учун, банкдагиларнинг «операция»си учун судланди? Масаланинг шу жиҳати ҳам очик қолган.

— Айбсизлигини исботлайман, деб жуда чарчадим, — дейди Баҳодир Раҳимбоев. — Суд идораларига қилган мурожаатларимга бир хил жавоб беришди: «айбнингиз гувоҳлар ва ишда тўпланган бошқа далиллар билан исботланди». Бу «шаблон» жавоблигини билардим. Сир эмас, ўша пайтларда судлар аризаларни текшириб ўтирмасди. Дод, деб миг марта ёзсангиз ҳам дардингизни суд эшитиши қийин эди. Судлар энди аризаларга эътибор қаратяпти.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг 18 мартда унинг иши жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси

Олий суди судлов ҳайъатида кўриб чиқилиб, ЖИБ Тошкент вилоят судининг 2009 йил 15 январдаги кассация инстанцияси ажрими бекор қилинди. Олий суд ажрими бўйича Б.Раҳимбоев иши шу йил 13 августда ЖИБ Тошкент вилоят суди кассация инстанциясида қайтадан кўрилди. Суд ЖИБ Олмалиқ шаҳар судининг Б.Раҳимбоевга оид ҳукмини ўзгартирди, Кассация инстанцияси Б.Раҳимбоевнинг ҳаракатларида ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «а» бандида назарда тутилган жиноят аломатлари бўлмаганлиги сабабли ЖКнинг 83-моддаси 1-қисмига асосан жиноят ишининг бу қисмини реабилитация асосларига кўра ҳаракатдан тўхтатди. Орадан 12 йил ўтиб, ҳақиқат аниқланди. Баҳодир Раҳимбоев банкдан олинган кредитни талон-тарож қилмаганлиги исботланди. Суд Б.Раҳимбоевни 2008 йил 30 ноябрдаги амнистия актига кўра, ЖК 209-модда 2-қисми «а» банди бўйича жазодан озод этди.

Ахир Баҳодир Раҳимбоев мансаб сохтакорлиги, яъни гаразўйлик ёки бошқа манфаатлари кўзлаб сохта ҳужжатлар тузиб, тақдим этиш жиноятини содир этганлигини ва давлат ҳамда жамоат манфаатларига жиддий зарар етказганлигини исботловчи далил йўқ-ку.

Унда нега у 9 йил озодликдан маҳрум этилди? Умрининг қарийб икки йилини қамоқда ўтказди? Бу саволларга ким жавоб беради?

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИ ТАЛАБ, ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

«Йўл харита»сига кўра иш юритсак, адашмаймиз



Давлатимиз раҳбари ҳузурида жорий йил 30 июнь кунини одил судловни таъминлаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларига бағишланган йиғилиш ўтказилган эди. Мазкур йиғилиш ижроси юзасидан Тошкент шаҳрида жиноятларни жиловлан, жиноятчилик профилактикасини янада такомиллаштириш, одил судловни таъминлаш ва пойтахтимизни коррупциядан холи ҳудудга айлантириш бўйича «Йўл харитаси» белгиланди.

сайёр учрашувлар ўтказилмоқда. Бундан мақсад — фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, жиноят ёқасига келиб қолганларни шу жиноятдан огоҳлантириш ва жиноятнинг олдини олишдир.

Бугун бу сайёр учрашувлар натижасида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги бирмунча ўсганини ҳам кўришимиз мумкин. Чунки улар профилактика ҳам инспекторларидан ташқари, судьяларга, прокурорларга ҳуқуқий муаммолар, саволлар билан мурожаат қилишяпти. Бироқ шу билан бирга болаларнинг ҳаётига бефарқ, ҳуқуқ ва

бурча эътиборсиз, ҳуқуқий билими ўта кам бўлган фуқароларга ҳам дуч келяпмиз.

Бугун давлатимиз томонидан тадбиркорларга катта йўл очиб бериляпти. Иқтисодиётимиз ривожланиши, аҳоли фаровонлиги йўлида яратилаётган имкониятлардан ўзининг нафси йўлида фойдаланмоқчи бўлганлар ҳам учраб турибди. Бундай устаси фаранглар ўзлари панада туради-ю, бошқаларни жиноятчига айлантириб, қонун олдида жавоб беришга мажбур қилиб қўймоқда.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод тумани суди томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий масалалари юзасидан муаммоларини тизимли ҳал этиш ва аҳолининг ҳуқуқий онгини доимий ошириб бориш мақсадида «Менинг маҳаллам — менинг судьям» гўяси асосида маҳаллаларда сайёр суд учрашувлари ташкил этилмоқда.

Масалан, сайёр суд мажлисида иши кўрилган Матназар Қосимов (исм-фамилия ўзгартрилган) ҳам ҳуқуқий билими йўқлиги, ўз ҳуқуқларини билмагани сабабли сохта тадбиркорлик билан шуғулланиб, давлат мулкни талон-тарож қилган шахсларнинг таъсирига тушиб, ўзи билмаган ҳолда жиноятчига айланди. Судланувчига нисбатан Жиноят кодексининг айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилиш, пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, автоматотранспорт воситалари ва улар тиркамаларининг давлат рақам белгиларини эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст ет-

казиш ёки уларни яшириш ҳамда ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбақлаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш каби моддалари билан жиноят иши очилган. Суд ишни ўрганиш давомида Матназар Қосимовнинг аслида фирма ишларига умуман аралашмагани, бироқ барча ҳужжатларга имзо чекиб, биргина имзосининг орқасидан ойлик маош олганини аниқлади. У ҳуқуқий билими йўқлиги натижасида биргина имзо орқасидан келган текин маош суд курсисига етаклаб келишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Бироқ шундай бўлди. Матназар Қосимовнинг имзоси билан иш юритиб, давлат пулларини талон-тарож қилган шахслар эса жавобгарликка тортилмади. Жавобгарлик ва давлат ҳисобига ундирилиши керак бўлган пул эса Матназар Қосимовнинг зиммасига юклатилди. Чунки ҳамма имзолар унга төғишли. Аслида у нимага имзо қўяётганини ҳам англаб етмаган.

Аҳоли билан сайёр суд учрашувларида биз ана шундай жиноятлар бўлмаслиги учун ҳаётий масола билан тушунтиришлар олиб бораёلمиз. Аввало ота-она фарзанди ким билан ишлаётгани, нима билан шуғулланаётгани, пулни қаердан топаётганини назорат қилиши керак. Бугунги шиддат билан кечаётган замонда жиноятларнинг турли хил кўринишлари учраяпти. Уларнинг аксарияти эса меҳнатсиз пул топиш илинки, ота-оналарнинг эътиборсизлиги, ҳуқуқий онгининг пастлиги, қонунларни билмасликдан келиб чиқаяпти.

Тажрибадан маълумки, жиноят содир этган кишини топиб, тергов қилиб, судлаб жиноий жавобгарликка тортиш, уни маҳкумликда ушлаб туришдан кўра, жиноятнинг олдини олиш кўп қарра осон ва ҳар томонлама фойдалидир.

Сайёр суд мажлислари, судьяларнинг аҳоли билан учрашувидан асосий мақсад эса фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишдир. Шу боис мазкур йўналишдаги ишларимизни янада кучайтиришимиз лозим, деб ҳисоблайман.

Шерзод ЭШМАТОВ, Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди судьяси.


ОГОҲЛИК!

ДХХ томонидан гиёҳванд моддалар контрабандасига чек қўйилди

ДХХ ходимларининг Божхона кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказган тезкор тадбирда гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳ фаолиятига чек қўйилди.

Хусусан, тезкор тадбир давомида Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаролар Ишмухамедов, Тўлаганов, Тоиров ҳамда Исомбековлар ушланиб, улардан мамлакатимизга халқаро почта жўнатмалари орқали контрабанда йўли билан олиб кирилган ва пойтахт ҳудудига сотилиши лозим бўлган 160 гр. та яқин «кокаин» гиёҳванд моддаси ашёвий далил сифатида олинди. Узининг моддий манфаатларини ўзга инсонлар соғлиги ва ҳаётидан устун қўядиган ушбу кимсалар кокаин моддасининг 1 граммни 300-350 АҚШ долларида сотишни режалаштиришган.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида ўтказилган яна бир тезкор тадбир натижасида 1976 йил Сурхондарё вилоятида туғилган, айни пайтда Чилонзор туманида истиқомат қилувчи Абдушукур Турсунов тўхтатиб, текширилганда



унинг ёнида 117 гр. «опий» ва 116 гр. «гашиш» моддалари борлиги аниқланиб, процессуал тартибда расмийлаштирилиб олинди.

Дастлабки суриштирув ҳаракатлари давомида у мазкур гиёҳванд моддаларни 1965 йил Сурхондарё вилоятида туғилган, Денов шаҳрида яшовчи Абдусамат Очиловдан олганлиги маълум бўлиб, у ҳам Тошкент шаҳрида процессуал тарзда ушланди ва унинг ёнидан 5 гр. «опий» моддаси олинди.

ДХХ Наманган вилояти бошқармаси ходимлари томонидан Наманган шаҳрида ўтказилган тезкор тадбирда эса Янгиқўрғон тумани «Қизилёзи» МФЙда яшовчи, 1952 й.т., мукаддам икки маротаба судланган Саидусмон Қамбаров бошқарувидаги «Тико» русумли автомашина текширилганда, унинг юкхонасида 1085 гр. «гашиш» гиёҳванд моддаси борлиги аниқланди.

Терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида аниқланишича, у Янгиқўрғон тумани Заркент кишлоғи «Маданият» МФЙ ҳудудидан ўтган давлат чегараси яқинида қирғизистонлик Ахилбек исмли шахсдан ушбу гиёҳвандлик воситаларини қабул қилиб олган ва Наманган шаҳрида сотишни режалаштирган.

ДХХ ходимларининг вилоят ИИБ билан ҳамкорликда ўтказган тезкор тадбири давомида Наманган шаҳрига киришда «Нексия» русумли автомашина тўхтатилиб, ҳолислар иштирокида кўздан кеңичрилганда, унда йўловчи сифатида кетаётган 1981 й.т., Наманган шаҳрида яшовчи Толиб Турғуновнинг ёнида 482 гр. «гашиш» моддаси борлиги аниқланиб, процессуал тарзда расмийлаштириб олинди.

ДХХ Самарқанд вилояти бошқармаси вилоят ички ишлар ва Божхона бошқармалари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир давомида 1986 йил Ургут туманида туғилган Ёлдор Баротов ҳамда 1976 йил Пастдаргом туманида туғилган Аҳмад Расуловнинг жиноий фаолиятига чек қўйилди. Улардан 1 кг 300 гр. «опий» ва 1 кг 490 гр. «марихуана» моддалари ашёвий далил сифатида олинди.

Ўтказилган тезкор тадбирлар давомида жами 160 гр. та яқин «кокаин», 1 кг. 422 гр. «опий», 1 кг. 683 гр. «гашиш» ва 1 кг. 490 гр. «марихуана» моддалари мусодара қилинди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар бўйича Жиноят кодексининг төғишли моддаларига асосан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Канални очишдан мақсад — аждодларимизнинг чет эл музей, архивларида сақланаётган тарихий, маданий мерослари билан халқимизни, бугунги ёшларни таништириш.

«АЖДОДЛАР МЕРОСИ — ИЛМ ЁҒДУСИ»



Аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олишига қўмаклашиш, миллий кадрларни кенг тарғиб қилиш, бугунги авлодни халқимизнинг бой тарихий меросидан баҳраманд бўлишини таъминлаш, шахснинг маънавий камолотига имконият яратиш бериш мақсадида Тошкент шаҳар «Bilim» ахборот-кутубхона маркази янги лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Бундан ташқари тўқтинчи яратилган ижтимоий тармоқлар, ҳар бир Ахборот кулбона марказларининг телеграмм каналлари, "Bilim kitoblar", "Bilim Акция", "Bilim жонли энциклопедия" каби онлайн саҳифалар мисолида кўриш мумкин.

Лойиҳанинг бош мақсади — аждодларимиз яратган, жаҳон цивилизациясида бебаҳо аҳамиятга эга бўлган илмий, маданий, бадиий мерос билан бугунги авлодни, айниқса, ёшларни яқиндан таништиришдан иборатдир.

Жаҳондаги бирорта машҳур кутубхона йўқки, у ерда халқимиз тарихи ва адабиётига тегишли қўлёзма асар бўлмасин. Британия музейи, Париж Миллий Кутубхонаси, Окс-

форд, Кэмбриж, Сорбонна, Харвард, Йел университети кутубхоналари, Голландия, Олмония, Испания, Италия, Ватикан ҳамда Туркия, Эрон, Ҳиндистондаги кутубхоналарда кўплаб қўлёзма адабиётларимиз намуналари авайлаб-асраб келинмоқда.

Марказимиз мазкур маданий, маънавий меросимизни ҳисобга олиб, "Bilim" музей-кутубхонаси номли (@bilimmuzei) саҳифа очди. Мазкур канални очишдан мақсад — аждодларимизнинг чет эл музей, архивларида сақланаётган тарихий, маданий мерослари билан халқимизни, бугунги ёшларни таништириш. Жаҳоннинг машҳур музейларига ҳамда ўлкаимиздаги музей ва маданий ёдгорликларга видеосаёҳат қилиш. Каналда ҳозирги кунга қадар етиб келган асарлар, маданий ёдгорликлар таркибига кирувчи картография, фотография материаллари, кинофильмлар, аудио, видеоёзувлар, архив маълумотлари кенг китобхоналарни уйдан чиқмаган ҳолда улар билан яқиндан танишиш имкониятини яратди.

Дарҳақиқат, фарзанд биринчи тарбияни, китобга меҳрни, мутолаа маданиятини, қолаверса маданий мерос, аждодлар хазинаси каби муҳим маълумотларни, уларни ўрганиш кўникмаларини оиладан, ўз ота-онасидан олади. «Аждодлар мероси — илм ёғдуси» саҳифаси маданий-маънавий меросимизни ёдга олиш, аждодларимиз томонидан яратилган буюк маънавий асарларни чуқур ўрганиш, сақлаш ва кенг тарғибот этишга хизмат қилади.

Маълумки, шарқда оила асрлар давомида шаклланиб келган жамиятнинг мустақкам пойдевори, уни ҳаракатга келтирувчи қудратли куч ҳисобланади. Унинг ижтимоий-маънавий баркамоллиги эса давлат ва жамият фаровонлиги негизидир. Жаҳон маданияти хазинасига ҳисса қўшган юзлаб алломи замонларни, ватанпарвар қаҳрамонлар, оқила, фозила молларимиз, миллат озолиги курашчиларини дунёга келтирган, тарбиялаган ҳам ўзбек оиласидир. Илдизи бақувват, пойдевори мустақкам, авлод-аждодлари шаънини пок сақловчи

оила садоқатини ёшларимиз онгига синдириш, уларни буюк аждодларимизга муносиб ворислар бўлиб тарбиялашда ушбу каналимиз муносиб ҳисса қўшишига ишонамиз.

Каналимиз аъзоларининг сони табора ортиб бораётгани ҳам бундан далolat беради. Саҳифага ҳозирча 32 та видео ва 53 та фото ва матнли маълумотлар жойлаштирилди.

Жумладан:
— Султон Хусайн Бойқарога тегишли фармон (@bilimmuzei May 01, 2020);
— Имом Мотуридий — калом илмининг султони (@bilimmuzei May 03, 2020);
— Абу Мансур ал-Мотуридий ҳаёти ва ижодига бағишланган викторина саволлари;
— Алишер Навоий ҳақида қизиқarli маълумот;
— Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг лирик мероси "Қўбул девони" (1519) га, 1528-29 йилларда "Ҳинд девони";
— Абу Райҳон ал-Беруний каби буюк алломалар ва уларнинг ноёб асарлари ҳақидаги маълумотлар асосидаги онлайн тарғиботимиз китобхоналаримизда катта таассурот уйғотмоқда.

Зеро, саҳифамизнинг асосий ўқувчилари муқаддас оила бошлиқлари — ота-оналардир. Ота-она китоб ўқиятими, демак, фарзандлар улардан ўрнак олади. Китобхона оила пайдо бўлади.

Президентимиз таъкидлаганидек: "Китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ. Энг муҳими, фарзандларимизда ёшлик чоғидан бошлаб китобга меҳр кўйиш, мустақил фикр юритиш, мураккаб ҳаётий вазиятларда тўғри жавоб топиш кўникмасини шакллантиришимиз, бунинг учун тегишли ташкилий ишларни амалга оширишимиз даркор".

Ҳафиза КАРИМОВА,
Тошкент шаҳар «Bilim» ахборот-кутубхона маркази директори,
ЎЗХДП фаоли.



Келаси йил Наманганда 60-халқаро Гул байрами ўтказилади

Наманган шаҳрида жорий йилда коронавирус пандемияси сабабли қолдирилган 60-халқаро "Гуллар фестивали" 2021 йилда ўтказилади.

Бу ҳақида Наманган вилояти ҳокими вазифини бажарувчи Шавкат Абдуразақов вилоят гулчиликни ривожлантириш марказида маҳаллий гулчилар билан бўлиб ўтган учрашувда маълум қилди.

Қайд этиш жоизки, карантин шароитига қарамаздан Наманганлик гулчилар 5 миллион донга гул қўчатини экишти. Келгуси йили бу рақам икки бараварга оширилиб, 10 миллион донга етказилади. Юбилей фестивалини халқаро миқёсда, чет эллик гулчиларни ҳам жалб этган ҳолда ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Вилоят раҳбари таъкидлаганидек, байрамга ҳозирданок тайёргарликни бошлаш, Наманган шаҳрини ландшафт дизайни асосида номанган қўринишга келтириш, бегония гулларини кўпайтириш керак. Қолаверса, Наманганни янада обод ва гулзор масканга айлантиришда Туркияда йўлга қўйилган тажрибадан унумли фойдаланилади.

Истамбул шаҳрида ҳар йили шаҳарни турфа гулларга бурқаш ва ободонлаштириш харажатларига маблағ давлат бюджетидан ажратилади. Бу тажрибани қўллаш асосида эса гулчилар меҳнати рағбатлантирилади.

— Наманганда ҳам гулчиликни ривожлантириш учун марказ фаолият кўрмоқда. Гулчиларимизга иссиқхоналар учун ер ажратилиб, газ қувурлари тортиб келинди. Байрамда вилоятимиз ахли ва меҳмонлар эндиликда бу сайёҳаракатларнинг натижасини ўз кўзлари билан кўриши керак, — деди вилоят раҳбари.

Эслатиб ўтамиз, Наманганда анъанавий гуллар байрами илк бор 1961 йил 19 август кунини ташкил этилган. Сўнгги йилларда байрамда фаол иштирок этиб, голибликни қўлга киритган ҳавсакор гулчилар ва ташкилотлар "Spark" автомашиналари билан тақдирланмоқда.

Оқилхон ДАДАБОВЕВ,
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (сурат) ўЗА

Тожикистон Республикасининг Сўғд вилоятида Ўзбекистон маблағлари ҳисобига бунёд этилган янги умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилди. 630 ўринга мўлжалланган умумтаълим мактаби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-2019 йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича келишувларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган "Йўл харитаси" га мувофиқ бунёд этилди.



Тожикистоннинг Сўғд вилоятида Ўзбекистон томонидан бунёд этилган мактаб очилди

Ўзбекистон ва Тожикистон давлатларини қўшничиликнинг кўп асрлик анъаналари боғлаб туради.

Сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги қиёфа касб этмоқда. Ҳамкорликнинг янги саҳифаси икки давлат халқлари манфаатлари йўлидаги янги марраларни кўзламоқда.

Янги саҳифа икки давлат ўртасидаги барча соҳалар каби таълим йўналишини ҳам қамраб олган.

Мактабнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон халқ таълими вазири Шерзод Шерматов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси иштирок этди.

Замон талаблари асосида бунёд этилган таълим масканида сифатли таълим олиш учун барча имкониятлар яратилган. Мактаб физика, кимё, астрономия, биология, чизмачилик бўйича ихтисослаштирилган фанлардан амалий машғулотларни, шунингдек, ўғил болаларни металл ва ёғочни қайта ишлаш, қизларни уй ҳўжалиги, ошпазлик санъати ва хўнарамандчилиги бўйича меҳнат кўникмаларига ўргатиш учун индивидуал шартларга биноан амалга оширилди. Мактаб ёпиқ спорт зали, оқиқ стадион, замонавий кутубхона билан тўлиқ жиҳозланган.

ЎЗА

Қарздорлар мол-мулкидан ажралгиси келмади

Сурхондарё вилоятида муддати ўтиб кетган солиқ қарздорликларини ундиришда мавжуд мол-мулклар хатловга олинган, юзга келган қарздорлик тезкорлик билан тўлаб берилмоқда.

Вилоят давлат солиқ бошқармасининг қарорига асосан қарздор "Қароқли" фермер хўжалигидан 57 миллион 976 минг сўм солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги ижро ҳўжжати Мажбурий ижро бюросининг Қумқўрган туман бўлими иш юритувида келиб тушган, ижро ҳаражатларига киришилган. Фермер хўжалиги раҳбари шахсан оғохлантирилиб, қарзини тўлаш учун 15 кунлик ихтиёрлиқ муддат белгилаб берилган.

Бироқ, фермер белгиланган муддатда

қарздорликни сўндирмагани учун мажбурий ижро ҳаражатларига киришилиб, хўжаликка тегишли сўний қолламали мини футбол майдончаси давлат ижрочилари томонидан хатловга олинган.

Солиқ қарзини тўламаса хатланган мол-мулк тегишли тартибда баҳоланиб, сотилиши тўғрисида қайта оғохлантирилган. Шундан сўнг фермер хўжалиги раҳбари қарзини тўлиқ тўлаб берган.

— Қарздорлик билан боғлиқ бу каби ҳолатлар тез-тез содир бўлиб туради, — дейди Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси катта инспектори Қ.Турсунов. — Жумладан, шу тумандаги "HUNSAMKAM TRANS" масъулияти чекланган жамиятига тегишли ижро

ҳўжатларига асосан давлат фойдасига 215 миллион 943 минг сўм солиқ қарздорлигини тўлаш учун бир неча марта оғохлантирилди.

Лекин, тадбиркор давлат ижрочиларининг оғохлантиришларига қўл силтаб юрверди. Ниҳоят жамиятга тегишли бўлган гишт ишлаб чиқариш чеҳи хатловга олинган, безовта бўлиб қолди. Солиқ қарздорлигини бир зумда тўлаб қўйди.

Қарзлар тўлиқ сўндирилган, уларга қўлланилган барча чекловлар бекор қилиниб, ижро ҳўжжати белгиланган тартибда тугатилди.

Ҳолмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА

РЕКЛАМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4,5т, 9т.

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товари сертифицированы.

ЎЗБЕКISTON OVOZI

MUASSIS:

Bosh muharrir Safar OSTONOV

Tahrir hay'ati:

Ulug'bek INOYATOV

Qalandar ABDURAHMONOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Ulug'bek VAFOYEV

Guliston ANNAQILICHEVA

Toshtemir XUDOYQULOV

Mahmud TOIR

Musliddin MUHIDDINOV

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Qabulxona — (71)233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonada manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 951. 1849 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220. t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — Topshirilgan vaqti — 21:30.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV Sahifalovchi-dasturchi: Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2030-7639



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.